ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 сентябр, жума №128-129 (961)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳаммамиз учун қувончли ва ҳаяжонли бўлган ушбу айёмда энг улуғ, энг азиз байрам - мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Бундан тўққиз йил муқаддам халқимизнинг букилмас иродасига суяниб, асрлар бўйи давом этган қуллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва динимизни қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Бугун янги демократик давлат, адолатли жамият қуриш, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни обод қилиш, шу муқаддас заминда яшаётган одамларга фаровон ҳаёт шароити яратиб бериш йўлида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти яққол намоён бўлмоқда.

Бугун амалга оширган улуғвор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Кўзлаган юксак марраларимизга етиш учун белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилишимиз, олдимизда турган кўп-кўп мураккаб муаммоларни ечишимиз даркор.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун биз аввало ўзимизга қандай ғоя, қандай маслакни байроқ қилиб олишимиз лозимлигини, бу борада бизга нималар тўсиқ бўлиб турганини ва улардан халос бўлиш йўлларини яққол тасаввур қилишимиз зарур.



Булар қаторидаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янада бойитишимиз, улуғ аждодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор.

«Авесто» каби қадимий ёдгорликларни эслаганда, Бухоро ва Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хивадаги, Насаф ва Термиздаги тарихий обидаларни кўрганда, гўзал Фарғона водийсини кезганда, муаззам пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги жамолини кўрганда қалбимизда биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган миллий ғурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишонч билан айта оламиз: биз - Ўзбекистон халқи, ана шундай улуғ зотларнинг авлодимиз, ана шундай беқиёс салоҳият эгаларимиз, олдимизга ана шундай юксак мақсадлар қўйишга ҳақлимиз ва ўлмас меросимиз, умуминсоний қадриятларга суяниб буюк марраларга эришмоққа қодирмиз.

Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз.

Бугун ёшларимиз қалбида, мен мана шундай буюк эл, бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш - биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, оёқ-қўлимизни, онгу тафаккуримизни боғлаб турган эски тушунча, эски асоратлардан тезроқ халос бўлишимиз, ҳар бир инсон аввало ўз кучига ишониб, янгиликка интилиб яшаши, тадбиркорлик, ташаббус, изланиш, ислоҳотларни тезлаштириш,

(Давоми 2-бетда)

***Тўққиз йил муқаддам халқимиз асрлар бўйи орзу қилган миллий мустақиллигига эришди. Истибдод занжиридан халос бўлди. Дунёнинг озод ва эркин халқлари сафидан жой олди. Ўз тақдирини ўзи белгилаб, демократик давлат, адолатли жамият қуриш йўлига тушиб олди.***

Мустақиллик йилларида эришилган ва ҳозирда бутун дунё эътироф этаётган ютуқларимиз омиллари ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, бу ютуқлар ўз-ўзича қўлга киритилмаётганини таъкидлаш зарур. Барча ютуқларимизнинг энг асосий сабаби, аввало, доно халқимизнинг мустақиллик асосчиси ва илҳомчиси бўлган Президент Ислом Каримов атрофида жипслашгани, қудратли давлат, демократик жамият қуриш йўлидан оғишмай бораётгани билан боғлиқ. Халқимиз истиқлол ғоялари мамлакатлар тараққиётида ягона йўл эканини англаб етмоқда, эркинлик ва озодлик йўлини қўллаб-қувватлаб турибди.

Куни-кеча тарихга айланган мустамлака замонларида гугуртдан автомобилгача ҳамма нарсани четдан ташиб келтирар эдик. Энди эса дунёга мустақил Ўзбекистон номи билан танилган юртимиз энг зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан ўз-ўзини бемалол таъминламоқда. Четга саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилиш тобора кўпаймоқда. Олис ва яқин хориж йўлларида Асака ва Самарқандда ишлаб чиқарилган машиналар кезиб юрибди. Энг муҳими, ёш давлатимиз фақат хомашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодиётини қисқа муддатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига олиб чиқди ва барқарор ривожланиш йўлига қадам қўйди.

Мустамлака замонларидан фақат пахта экилавериб, силласи қуриган ерни мерос олган эдик. Бугун эса, пахта пайкаллари ёнида бўлиқ ғаллазорлар кўзни қувнатиб турибди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноатимиз юксалмоқда. Тўқимачилик соҳасига алоҳида эътибор билан қаралаётгани боис, янги-янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Уларда минглаб йигит-қизлар малакали иш ўринларига эга бўлди. Шу боис бугун хорижда «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан жўнатилган тўқимачилик маҳсулотларининг бозори чаққон. Мамлакатимизда тикилган кийим-кечакларнинг аксарияти хорижнинг машҳур фирмалари маҳсулоти билан рақобатлашмоқда.

Заҳматкаш халқимиз асрлар мобайнида тўплаган маданий-маънавий бойликлар яна ўз эгасига қайтарилди. Бугун мамлакатимиз бўйлаб буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг боқий руҳи шодон кезиб юрибди. Эл-юрт озодлиги йўлида ширин жонини фидо қилган Жалолиддин Мангуберди номи эркпарвар, ватансевар авлодлар дилида машъалдай нур таратмоқда. Мирзо Улуғбек, ал-Беруний, ал-Фарғоний, Ибн Сино, Форобий, Нақшбандий, ал-Бухорий, Мотуридий, Ғиждувоний, Марғиноний, Термизий боболаримиз қолдирган буюк маънавий мерос кўнгилларимизни фахрга тўлдириб, юксакларга интилган йўлларимизни чароғон этаётир.

Бундан тўққиз йил бурун - мустақиллик эълон этилган дамларда бизнинг келажаги-

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.***

## ТЕРРОРЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ДУНЁ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМФИКР

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад мамлакат жамоатчилиги ва хорижлик дипломатлар эътиборини яна бир бор Президент Ислом Каримовнинг куни кеча Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида кўтарилган долзарб масалаларга қаратиш ва йиғилганларни юртимизда, қўшни ўлкаларда ва умуман, минтақадаги вазият билан яқиндан таништиришдан иборат эди. Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг сессиясида ғоят долзарб муаммолар ҳақида сўз юритди. У Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудига суқилиб кирмоқчи бўлган босқинчиларнинг асл мақсади ҳақида сўзлаб, динни ниқоб қилиб, тинч ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлган манфур кимсаларнинг ҳақиқий қиёфасини очиб берди. Айни пайтда террор, қўшни ўлкалардаги айрим сиёсатчилар ўйлаётганидек, фақат бир мамлакат эмас, балки бутун минтақага таҳдид солаётганини, унга қарши фақат баҳамжиҳат курашишгина мақсадга мувофиқ бўлишини алоҳида қайд этди.

Ислом Каримов Олий Мажлисда журналистларга интервью берар экан, яна бир муҳим масалага ойдинлик киритди. Яъни, Ўзбекистон ҳеч бир давлатга ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қилмаган. Сўнгги кунларда айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида гўё мамлакатимиз айрим давлатларга шундай илтимос билан мурожаат этгани ҳақида, беозор қилиб айтганда, асоссиз хабарлар пайдо бўлгани сир эмас. Алоҳида таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон ўзини ўзи ҳимоя қилиш учун етарли даражада ҳарбий салоҳиятга эга. Хорижий мамлакатлардан ёрдам сўраш масаласига келсак, бу борада фақат икки томонлама, ёки кўп то-

(Давоми 2-бетда)

# ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли халқ депутатлари!

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, юртимизга тажовуз қилган террорчи тўдаларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизни хотирлаб сукут сақлашингизни сўрайман.

Она-Ватан ҳимояси, юртимизнинг тинчлиги йўлида ўз жонини фидо этган бу аскарларимизнинг ота-оналарига, оила аъзолари, ёру биродарларига яна бир бор ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этаман. Бу ботир ўғлонларимизнинг номлари барчамиз учун мардлик ва жасорат, фахру ғурур тимсоли бўлиб қолади. Уларнинг сўнмас хотираси халқимиз ёдидан ҳеч қачон ўчмайди.

Азиз юртдошларим!

Чегара ҳудудларимизда рўй бераётган бу воқеалар ҳақида матбуотимиз, радиотелевидение орқали мунтазам ахборот бериб борилмоқда.

Жойларда бўлиб ўтаётган учрашувларда, йиғилиш ва митинглардаги чиқишларда ёвуз босқинчиларнинг кирдикорларига қарши ўз қаҳру ғазабини изҳор этаётган одамларимиз, барча юртдошларимиз қалбида аввало шундай бир табиий савол туғилмоқда: осойишта ҳаёт кечираётган, қўшнилари билан тил топишиб, тинч-тотув яшаётган халқимиз бошига бу бало-қазо қаердан келди? Унинг сабаблари, илдизлари, таг-томири қаердан келиб чиқмоқда?

Мен бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларимни турли мулоқотлар ва чиқишларимда кўп маротаба билдирганман. Юртимизга суқилиб киришга, осуда ҳаётимизни бузишга уринаётган бу ёвуз газандалар ҳақида, уларнинг қабиҳ ниятлари ҳақида ҳам кўп гапирганман.

Бугунги чиқишимдан фойдаланиб, мен бу масалага аниқлик киритмоқчиман: хўш, бу Тоҳир Йўлдошев тўдаси, ўзини Намангоний деб атаётган Жума Ҳожиев тўдаси каби жиноий гуруҳларнинг асл мақсади нима?

Ўзи, бу разил кимсага нисбатан Наманган номини ишлатишни мен умуман ғайритабиий бир ҳол деб ҳисоблайман.

Бу қонхўр террорчи ўзига Наманган номини қўйиб олгани одамларимизда, айниқса, меҳнаткаш ва оққўнгил, диёнатли Наманган аҳлида қаҳру ғазаб уйғотмоқда. Улар бу кўрнамакни Наманганнинг номи, Наманганнинг нони кўр қилсин, деб қарғамоқда.

Нега деганда, террорчининг миллати йўқ, унинг ота-онаси йўқ, дини, иймони йўқ.

Ватанини, юртини, виждонини сотган бу кимсалар ўз кирдикорларини халқимиз учун муқаддас бўлган диний тушунчалар ниқоби остида амалга оширмоқда.

Лекин, ҳар бир ақли расо одам билиб турибдики, буларнинг ҳаммаси лўттибозликдан бошқа нарса эмас.

Нега деганда, бу ғаламисларда иймон-эътиқод, мусулмончиликдан заррача асар борми ўзи? Аслида булар виждонини, ота-онасини, эл-юртини пулга сотган қип-қизил сотқин, қип-қизил хоинлар эмасми?

Аслида улар хориждаги катта молиявий, ҳарбий, моддий имкониятларга эга бўлган экстремистик марказларнинг қўлидаги қўғирчоқ бўлиб, заҳарли чаёнга айланган разил кимсалардир.

Хўш, ана шу экстремистик, террорчи марказларнинг мақсад ва интилишлари нималардан иборат? Биз буни ҳам ўзимизга тўғри аниқлаб, англаб олишимиз зарур.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, 1991 йилда мустабид совет империяси исканжасидан халос бўлганимиздан кейин ён-атрофимиздаги катта-катта давлатлар, турли сиёсий кучлар ва марказларда энди мустақилликка эришган Ўрта Осиё мамлакатлари ва уларнинг халқлари тўғрисида ғалати бир фикр ва қараш олға сурилди.

Мана шу ўзини эркин деб, ўзини озод деб эълон қилган, истиқлол йўлидан қадам қўяётган давлатлар ҳудудида улар ўзи учун гўёки бир бўшлиқ пайдо бўлгандай фараз қила бошлади.

Ана шу бўшлиқни эгаллаш, бу мамлакатлар ҳудудидаги беқиёс бойликларга эгалик қилиш, шу халқларни ўз сиёсати, ўз ҳукмронлигига бўйсундириш, энг асосийси, мана шу муҳим геополитик майдонни ўз таъсири доирасига олиш — баъзи бир ғаразли мақсадлар билан яшаётган сиёсий кучларнинг ниятига, тўғрироғи, хомхаёлига айланиб қолди.

Буни исботлаш қийин эмас. Минтақамиз мамлакатлари дуч келаётган турли муаммолар, юзлаб мисолларда бу интилишларни яққол кўриш мумкин.

Бизнинг юртимиз бугунги кунда ён-атрофимизда вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, ўзининг узоққа мўлжалланган ёвуз мақсадларини амалга оширишга уринаётган турли экстремистик-ақидапарастлик марказларининг ғаразли ин-

(Давоми 3-бетда)

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

***31 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.***

***Йиғилишни Олий Мажлис раиси Э.ХАЛИЛОВ бошқарди.***

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида Тошкент шаҳар тез ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори Т.Миродилов, Олтиариқ тумани ҳокими Н.Омонов, Шаҳрихон туманидаги А.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси У.Бозорбоев, Сурхондарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори Э.Донаев, Меҳнатобод тумани ҳокими А.Синдаров, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров иштирок этди. Парламент қонун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарикнинг «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маърузасини тинглашди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда «Андижонгўштсутсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамаков, Урганч тумани ҳокими К.Нуниёзов иштирок этди. Олий Мажлис «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Мазкур масала юзасидан Ангрен шаҳри ҳокими И.Асадов, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори Т.Даминов, «Намангангаз» бошқармаси бошлиғи З.Тожибоев, «Фарғонанефткимёмонтаж» трести бошлиғи Р.Жалилов сўзга чиқди. Парламент «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов депутатларни «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан таништирди. Мазкур ҳужжат муҳокамаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби хизмати бош консультанти Р.Жумаев, Ўзтелерадиокомпания «Ахборот» дастурининг Фарғона вилоятидаги махсус мухбири М.Обидов, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев сўзга чиқди.

Депутатлар «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси О.Мусурмонова депутатлар эътиборига «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бош шифокори А.Абдуллажонов, Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси, «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири Х.Дўстмуҳаммедов иштирок этди. Парламент қонун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари М.Сафоеванинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси имзолаган бир қанча халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

(Давоми 2-бетда)

# ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

уларнинг самарасини ошириш - ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи вазифа эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири - бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир.

Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик, барча имкониятларни сафарбар қилиш, фарзандларимиз олдидаги, келажак олдидаги ота-оналик бурчимизни адо этиш - умуммиллий вазифамизга айланишини истар эдим.

Бугунги кунда ён атрофимиздаги аҳволни теран англаган ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Лоқайдлик, бепарволик, беғамлик, ғофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо ҳушёр, огоҳ бўлишимиз зарур.

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш - ҳаётимизнинг мазмунига айланиши керак.

Қадрли ватандошларим!

Мен бугун шу юксак минбардан туриб, гўзал ва бетакрор мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари бўладиган миллион-миллион ёшларимизга, паҳлавон фарзандларимизга айтмоқчиман:

- Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз - юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Мен ушбу муборак айёмда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўксини қалқон қилиб ҳимоя этаётган барча аскарларимизни, барча ҳарбийларимизни бугунги байрам билан ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бағримга босиб, алоҳида табриклайман.

Ёвуз террорчи тўдаларга қарши курашларда жон фидо этган жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотираси олдида, ана шундай асл, мард фарзандларни вояга етказган ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари олдида бош эгаман.

Азиз дўстлар!

Халқимиз ўзининг буюк тарихида кўп-кўп машаққатли синовлардан, ҳаёт бўронларидан кучли иродаси, пок иймон-эътиқоди туфайли омон чиққан.

Бугун кўпмиллатли халқимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳилликнинг қадр-қимматини айниқса чуқур англамоқда.

Бунёдкорлик меҳнати билан она заминимизга чирой бағишлаб, ёруғ ният ва тилаклар билан янги асрга қадам қўймоқда.

Ишончим комилки, ана шундай туйғулар, эзгу интилишлар билан яшаётган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Бундай халқнинг олижаноб орзу-умидлари ижобат бўлгай, Яратганимизнинг ўзи бу йўлда мададкор бўлгай, иншооллоҳ.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ушбу қутлуғ оқшомда донишманд отахонларимизни, мунис онахонларимизни, меҳрибон аёлларимизни, гўзал қизларимизни, азамат йигитларимизни, жондан азиз фарзандларимизни - бутун Ўзбекистон элини бугунги буюк байрам - Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклайман.

Барчамизнинг бошимиз омон, юртимиз обод бўлсин!

Ўзбекистонимиз дунё тургунча турсин!

Янги аср биз учун тараққиёт ва саодат асри бўлсин!



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

мизни фақат қора бўёқларда чизиб кўрсатувчи башоратгўйлар кўп эди. Қашшоқлик, қаҳатчилик, уруғ-аймоқчилик бу мамлакатни қисқа фурсатда хароб этади, дегувчилар кам эмасди. Яшириб нима қилдик - бундай ғаразли гапларга ишонувчилар - етовга ўрганган кимсалар ўзимизнинг орамизда ҳам бор эди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида тўққиз йил мобайнида амалга оширилган улкан ишлар бундай башоратларнинг барчасини чиппакка чиқарди. Мамлакатимиз барқарор тараққиёт босқичига дадил қадам қўйди. Ўзимизга хос ва мос демократик жамият шаклланиб бормоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик таянчига айланди.

Минтақамизни беқарорлик гирдобига ғарқ қилиб, ўзларининг қора ниятларини астойдил амалга оширмоқчи бўлган халқаро терроризм марказларидаги ёвуз кимсаларнинг бугун мамлакатимизга қонли кўзларини тикаётгани бежиз эмас. Негаки, Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиёнинг энг қулай геополитик нуқтасида жойлашган. Биз танлаган иқтисодий ва сиёсий йўл бутун Марказий Осиёнинг келажагига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ўз ҳудудларида тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам сақлаб, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига жиддий тўсиқ бўлиб турган Ўзбекистон давлати халқаро терроризм марказларидаги ёвуз кучларнинг бундай қора ниятлари йўлидаги энг жиддий ғов саналади.

Яқинда юртимиз сарҳадларига қўлда қурол билан суқилиб кирмоқчи бўлган ёвуз террорчи тўдалар халқимизнинг ёруғ келажакка, ўз йўлбошчисига ишончини, ҳарбийларимизнинг маҳорати ва матонатини синаб кўрмоқчи бўлишди гўё. Бироқ жангарилар ниятларига етолмади ва етолмайдилар ҳам. Улар ўзларининг ҳаром товонини тегизган заминда ажал топди. Аскарларимиз халқимизнинг тинчлик-осойишталигини сақлашда кўксини қалқон, ёш жонини фидо қилди. Халқимиз Ватан озодлиги, юртимиз осойишталиги учун шаҳид кетган бундай асл ўғлонлари хотирасини ҳеч қачон унутмайди.

Бугун юртимиз узра кезаётган улуғ байрам, шоду хуррамлик руҳи мустақиллик йилларида халқимиз босиб ўтган шонли йўлимизга яна бир бор фахр билан назар ташлашга ва шунинг баробарида ёруғ мақсадларимизни белгилаб олишга ундайди.

31 август, соат 19.30.

Мамлакатимизнинг бош майдони - Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерда республика ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, элчихоналар раҳбарлари ҳозир бўлган.

Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни олқишлар билан кутиб оладилар.

Улкан майдон узра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган байрам тантаналарининг бошланганидан дарак берувчи чорлов садолари янграйди.

Байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз улуғ ва муқаддас байрам билан бутун мамлакатимиз аҳлини қизғин табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Пойтахт осмонини ранго-ранг мушаклар чароғон этиб юборади. Майдонга йиғилган барча кишиларнинг кўнглида фахру ғурур барқ уради. Кўнгиллар ҳам осмон янглиғ ёришиб кетади.

Улкан саҳнада энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланган театрлашган томоша бошланди.

«Жаҳонда ягона Ўзбекистоним» қўшиғининг оҳанглари қанотида саҳнага паридек қизлар чарх уриб кириб келади. Чирпираб рақс тушаётган қизлар, йигитларнинг гўзал ҳаракатлари кўнгилларга сурур бахш этади. Ватан - озод, Мустақиллик - боқийлиги ҳақидаги туйғулар дилларни чулғайди. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди сиймолари истиқлол бизга осмондан тушмагани, у халқимизнинг асрлик орзуси ва аъмоли, миллат тириклигининг рамзи эканини эслатади.

Мамлакатимиз келажагининг эгалари - янги авлод ўтмиш қайғуси, армонлари соя солмаган қўшиқлар куйлайди. Улар эрк ва озодлик ҳавосидан нафас олиб улғаймоқда. Ватан ва миллатга муҳаббат руҳи билан йўғрилган қўшиқлар жажжи фарзандларимиз тилидан жаранглаганда, уларнинг «ўзбегимсан, ўзлигимсан, ўзим айланай», каби самимий хитоблари янграганда, мустақиллик йўлидаги курашлар беҳуда кетмаётганлигини англайсан киши.

Саҳнада Ўзбекистонимизнинг жасур ва мард полвонлари, спортчилари пайдо бўлади. Миллий спортимизнинг довруғи сарҳадлар ошиб бораётгани, курашимиз жуда қисқа муддатларда жаҳонга йўл топгани, боксчи ва каратечиларимизнинг дунёнинг манаман деган паҳлавонларини таслим бўлишга мажбур этаётганини ўйлаб, ҳар бир ватандошимизнинг қалбида чексиз ғурур пайдо бўлади. Яқинда Сиднейда бўлиб ўтадиган жаҳон олимпиадасида барча спортчиларимизга омадлар тилаймиз. Уларнинг мамлакатимиз байроғини ўша олис диёрда ҳам баланд кўтаришига ишонамиз.

Ўтмиши буюк миллатнинг келажаги ҳам буюк бўлади. Буюкларимизнинг боқий руҳи акс этиб турган мумтоз мусиқа садолари остида саҳнада Камолиддин Беҳзод сиймоси намоён бўлади. У ўзининг сеҳрли мўйқаламлари билан халқимизнинг сўнмас юлдузларини чиза бошлайди. Буюк боболаримиз сиймоси томошабинлар кўз ўнгидан бир-бир ўтади. «Бозургоний», «Сегоҳ», «Уфори сегоҳ», «Уфори рок» оҳанглари майдон узра сел бўлиб оқади. Беҳишт боғларидан энган ҳурларни эслатувчи раққосалар шу оҳанглар бағрида тўлқин-тўлқин бўлиб мавж уради. Диллар янада мулойим тортади. Бир зум ҳаётнинг абадийлигию инсон руҳи мангу эканлигини ўйлайсиз.

Шунда қудратли марш садолари янграйди. Саҳнага Ўзбекистон Қуролли Кучларининг шавкатли вакиллари чиқиб келади. Она-юрт эрки, халқимиз тинчлигининг посбонлари бўлган йигитлар ўз маҳоратларини намойиш қилади. Улар ҳаракатидаги эркинлик, шижоат ва мардонаворлик бугунимиз ва эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканига яна бир бор ишонч уйғотади. Бу йигитлар Ватанни ҳимоя қилиш, сизу бизнинг тинчлигимизни сақлаш учун бир зум иккиланмасдан жонини ҳам беришга тайёр эканига амин бўласиз.

Ватан - ягона, Ўзбекистон барчамизнинг онамиз. Лекин ҳар қандай боғ турфа гуллар билан гўзалдир. Анъанага кўра, байрам тантаналаридан ўрин олган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган санъат усталари, ижрочи ёшларнинг куй ва қўшиқлари, фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишларида бой санъатимиз ўзининг барча қирралари билан намоён бўлади. Аскиячиларнинг ҳазилларидан туғилган гулдурос қаҳқаҳага улкан майдон ҳам торлик қилгандек туюлади. Томошабинлар кўз ўнгида бепоён Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси ипга тизилган марварид шодасидек минг жилва билан товланади. Биз шунчалар боймиз, шунчалар қудратлимиз, деган туйғулар юракларни қамраб олади.

Одатдагидек, байрам томошасини Ўзбекистон эстрада юлдузлари ва ёш ижрочилар концерти якунлайди. Уларнинг қўшиқларидаги асосий мавзу - Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек асраш туйғусидир.

Саҳнани тўлдирган эстрада хонандалари «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», деб куйлаганда барча томошабинлар жўр бўлди. Бу сўзлар халқимизнинг юрак-юрагидан отилиб чиқаётган эзгу тилак каби жаранглади. Шу Ватанда туғилдик, ўсдик, шу Ватанда яшаяпмиз. Унинг ўтмиши ҳам, келажаги ҳам фақат бизникидир. Уни ватансиз, иймонсиз кимсаларга оёқости қилиб қўймаймиз. Дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам халқимиз ўз келажагига нақадар собит ишонч билан қараётгани, ўз Йўлбошчиси атрофида нақадар аҳил ва жипс бирлашганини кўриб қўйсин.

Мамлакатимизнинг бош майдонида бошланган байрам тантаналари Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

**Мусулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири.**



## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Депутатлар сессия котибияти раҳбари М.Зокировнинг парламентга келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади. Олий Мажлиснинг айрим қўмиталари ва комиссиялари таркибига ўзгартишлар киритилди, Ёшлар ишлари комиссияси Қўмитага айлантирилди. Ёшлар ишлари қўмитаси раиси этиб, депутат Азамад Зиё Ҳамид ўғли сайланди.

Парламент депутат О.Мусурмонова ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси этиб сайлангани муносабати билан уни Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси вазифасидан озод қилди. Мазкур қўмита раислигига Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган М.Сафоева сайланди. Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритди.

Шу куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси якунланди.



## ТЕРРОРЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ДУНЁ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМФИКР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

монлама қабул қилинган тегишли ҳужжатлар асосида ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, Россия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳақида икки томонлама, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан эса террорчилик, диний экстремизм ва минтақага таҳдид солувчи бошқа хавф-хатарга қарши ҳамкорликда курашни мувофиқлаштириш тўғрисида тўрт томонлама ҳужжат қабул қилинган.

Минтақамизга хавф солаётган терроргинг изи Афғонистондаги можароларга бориб тақалиши бор гап. Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида талай ташаббусларни илгари сурган ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатларини фаоллик билан давом эттирмоқда. Бу мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим ҳаётий аҳамият касб этади. Матбуот анжуманида бу гап яна бир бор алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида йиғилганларга мамлакатимиз сарҳадларидаги вазият ҳақида ҳам маълумот берилди. Таъкидланганидек, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг халқаро терорчилар суқилиб кирмоқчи бўлган тоғли ҳудудлари ҳукумат қўшинларининг тўлиқ назорати остида турибди. Жангариларни сиқиб турган халқа тобора қисқармоқда. Тез орада улар бутунлай йўқ қилиб ташланишига шубҳа йўқ. Таъкидлаш жоизки, бутун мамлакат аҳли Ватанимиз сарҳадларида собит турган юрт посбонларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Тадбир якунида қатор хорижий давлатларнинг элчилари террорчиликка қарши курашда Ўзбекистон Президенти айтган гапларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Чунончи, Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абу Бакр Рафиа бу фикрни алоҳида таъкидлар экан, мазкур подшоҳлик ҳамиша террорчиликни қоралаб келишини айтди. Иорданиянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Маҳер Мукаша, ўз мамлакати террорчилик ва диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши эканлигини таъкидлай туриб, дин ниқоби остида қўпорувчилик ҳаракатлари содир этиш диннинг ўзига қарши қилинган ишдир, деди. Ўзбекистон билан ҳамфикрликни Фаластин, Малайзия ва бошқа кўплаб мамлакатлар элчилари ҳам эътироф этди.

**(ЎзА).**

# ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

тилишлари қаратилган ҳудудга айланиб қолмоқда.

Бундай ниятларни амалга оширишда бу кучлар Ўрта Осиё давлатлари аҳолисининг аксарияти мусулмон экани, ислом дини улар учун ота-боболаридан қолган муқаддас дин бўлиб келаётганидан фойдаланишга уриндилар ва бугун ҳам уринмоқдалар.

Барчамизга маълумки, мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ топталган қадриятларимизни, урф-одатларимизни, дину диёнатимизни, ўзимизга хос маданиятимизни тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Афсуски, мана шу омиллардан, яъни бизнинг муқаддас динимизга бўлган муносабатимиздан нопок мақсадларда фойдаланиш, динимизни сиёсатга айлантириш ҳаракатлари оқибатида юртимизда ваҳҳобийлик, «Ҳизбут-таҳрир» каби турли зарарли оқимларга қўшилган кимсалар ҳам пайдо бўлди.

«Ҳақиқий ислом»ни тиклаш, VIII асрлардаги бугун фақат номигина қолган халифаликни ўрнатишни даъво қилиб юрган, ҳақиқатда эса мамлакатимизни ўн-юз йиллар орқага суриб ташлашга олиб келиши мумкин бўлган турли ҳаракат ва марказларнинг кучайиб бораётган интилишлари бизнинг юртимизда охирги йилларда айниқса сезилиб қолди.

Бу хатарни бизнинг бугунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун нақадар хавфли эканини сезишга, англаб етишга, унга қарши чоралар кўришга ҳаётнинг ўзи ҳар бир онгли инсонни даъват этмоқда.

Бу экстремистик кучлар ўз ҳаракатини собиқ совет империяси пароканда бўлиб, талвасага тушиб қолган йиллардаёқ бошлаган эди.

Катта молиявий манбаларга эга бўлган марказлар, уларнинг «диндош», «миллатдош» ниқоби остида юртимизга кириб келган вакиллари бир қарашда таъсирчан бўлиб кўринадиган сохта ғоялар, шиорлар, даъватларни ишга солиб, ҳатто мачит-мадрасалар қуриб беришга ҳам тайёр эканликларини кўрсатиб, айрим иродаси заиф одамларни мўмай пул эвазига сотиб олишга, тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган ҳаракатларнинг оқибати бугунги кунда ҳам ҳаётимизда сезилмоқда.

Улар ўз фаолиятини айниқса 1991-93 йилларда кучайтириб юборди.

Биз дастлаб бу одамларни дин йўлида юрган, Худо йўлида бизга холисона ёрдам бераётган кишилар, деб қабул қилдик. Аксарият одамларимиз уларга нафақат дастурхонини, балки бағрини ҳам кенг очди.

Албатта, бунга халқимизнинг соддалиги, оққўнгил ва бағрикенглиги ҳам сабаб бўлди. Чунки, агар дунёда иккита содда халқ бўлса, унинг биттаси ўзбек халқи, агар битта бўлса — ўзбек халқининг ўзи, десак, бу ҳам, менингча, муболаға бўлмайди.

Бу ёвуз кучларнинг бизга, халқимизга етказган энг катта зиёни шу бўлдики, улар ғўр ёшларимизни йўлдан уришга ҳаракат қилди ва ҳаракат қилмоқда.

Турли мачит ва ҳужраларда уларнинг онгини, миясини заҳарлаб, муқаддас динимизнинг моҳиятини, маъно-мазмунини бузиб, бошқача талқин қилиб, фарзандларимизни йўлдан тойдиришга, уларни ўз халқига, ўз юртига, ўз ота-онасига қарши қилиб қўйишга уринди.

Ана шундай кирдикорлар натижасида қанча-қанча ёшлар катта пул эвазига ақидапараст кучларнинг тузоғига илиниб қолди.

Бугун, орадан анча вақт ўтганидан кейин, кўп жойларда ўша ёшларнинг ота-оналари ақл-ҳушини йиғиб, афсус-надомат, пушаймонликка берилиб, оҳ-воҳ тортмоқда.

Бугун бу ғаразли сиёсат ва ҳаракатлар биз учун нақадар хавфли, нақадар хатарли эканини барчамиз ҳис қилиб, англаб олмоқдамиз.

1992 йилдан бошлаб Тожикистонда давом этган беқарор вазият, фуқаролар уруши ҳам бунга яна бир омил бўлди. Юртимизда оғир жиноятлар, талончилик, қотиллик содир этиб, қочиб кетган кимсалар Тожикистондаги фуқаролик урушида турли қуролли гуруҳлар таркибида иштирок этди. Улар одам ўлдириш, қўпорувчилик, хунрезликни мана шу ерда ўзига касб қилиб олди.

Қисқа қилиб айтганда, бу экстремистик марказларнинг пировард мақсади — бизни танлаган йўлимиздан ортга қайтаришдир.

Яъни, бутун дунё интилаётган, фаровон яшаётган давлатлар қаторига қўшилишдек мақсадимиздан, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг олдида энди-энди очилаётган эркин ва озод ҳаёт йўлидан юртимизни яна орқага — ўрта аср тузуми ва жаҳолатига қайтариш, бизни боши берк кўчага киритиб қўйишдан иборат.

Ўрта Осиёда ҳам Афғонистондагига ўхшаган — унинг номини амирлик дейдими, халифалик дейдими ёки ислом давлати дейдими, ишқилиб, шундай тузум ўрнатиш ва бизни ана шундай ҳолатга тушириш. Мана шундай вазиятни вужудга келтириб, бизнинг юртимизда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш.

Булар ўз мудҳиш режаларини амалга оширишда ҳеч нарсадан тоймайдиган разил кучлар эканини ҳаммамиз яна бир бор яхши англаб олишимиз даркор.

Савол туғилиши мумкин: нима учун бундай ҳаракат ва кучлар бугунги ҳаётимизни бузиш мақсадида, аввалambор, Ўзбекистонга ҳамла қилмоқда?

Аввало, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон давлатининг обрўси, унинг таъсири, салоҳияти ҳаммага маълум.

Бизнинг мамлакатимиз нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиёнинг энг қулай геополитик нуқтасида жойлашган. Қолаверса, юртимиз аҳолиси бутун минтақа аҳолисининг эллик фоизини ташкил қилади.

Ҳаммага аёнки, Ўзбекистон қандай йўлни танласа, ўз тараққиёти учун қайси йўлни маъқул деб белгиласа, албатта, бу йўл ён-атрофдаги бошқа давлатларга ҳам таъсир кўрсатиши — буям муқаррар ҳақиқат.

Экстремистик кучларнинг ёвуз ниятлари замирида яна бир нарса борки, биз уни ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи билан, маданий-маъанвий салоҳияти билан, энг муҳими, ислом фалсафаси, ислом динининг олижаноб ғояларини юксалтиришга, унинг илмий асосларини яратиб, динимизнинг обрўсига обрў қўшгани билан мусулмон оламида беқиёс мавқега эга. Улуғ аждодларимиз ва буюк боболаримизнинг бу борадаги унутилмас хизматларини ислом дунёсида ҳеч ким инкор этолмайди.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Марғилоний, Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби уламоларимизнинг ўлмас номлари, муқаддас сиймоси олдида бутун мусулмон олами тиз чўкади. Уларнинг ислом дини ривожи йўлидаги улкан хизматларини бутун дунё тан олади.

Экстремистик кучларнинг энг разил мақсади — мана шундай буюк меросга эга бўлган ўзбек халқини, бугун юртимизда яшаётган барча мўмин-мусулмонларни шу меросдан айириш, ота-боболаримиз амал қилиб келган ва бизларга ҳам буюрган йўлдан қайтишга мажбур этишдир.

Уларнинг яна бир шум нияти — бизнинг юртимизда асрлар, минг йиллар давомида шаклланган асл мусулмончилик қоидалари ва қадриятларини топташ, азалдан ислом ривож топиб келган маконни вайрон этишдан иборат.

Бу қора гуруҳларнинг қилаётган хунрезликлари, мусулмон мусулмонни ўлдириши, мусулмон мусулмонга қўл кўтариши гуноҳи азим ҳисобланган инсонпарвар динимизни ҳатто муқаддас китобимиз бўлган Қуръони карим оятларини поймол қилиш эканини кўрсатмайдими?

Ахир, пайғамбаримизнинг: «Мўминларнинг қонини, мўминларнинг обрўсини тўкиш, мўминларнинг молига кўз олайтириш — мўминлар учун ҳаромдир», деган сўзлари ўзини мусулмон деб билган ҳар бир инсон учун сабоқ бўлиши керак эмасми?

Агар улар мана шундай қабиҳ ниятларига эриша олса, бу ҳол бутун мусулмон дунёсига ўз таъсирини кўрсатади, манфур кучларнинг пировард мақсадларига эришиши учун замин бўлади.

Буни ҳам ҳеч ким унутмаслиги керак.

Яна бир фикрни таъкидлаш зарурки, бугун бизга нисбатан бўлаётган мана шундай тазйиқ эртага бошқа давлатларнинг ҳам бошига тушиши мумкин. Буни Тожикистон ва Қирғизистон мисолида яққол кўриб турибмиз.

Ўтган йили Қирғизистон жанубига, яъни Боткен вилоятига 500-600 нафар террорчининг бостириб киргани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Минг афсуски, уларга ўтган йили муносиб зарба берилмади. Улар тўрт нафар япон фуқароси ва Қирғизистоннинг бир неча мансабдор шахсларини гаровга олиб, ҳеч қандай тўсиқсиз Тожикистон ҳудудидаги ўз базаларига қайтиб кетди ва янада каттароқ миқёсдаги ҳужумга тайёргарлик кўра бошлади.

Орадан роппа-роса бир йил ўтиб ўша мудҳиш воқеаларнинг такрорланиши ана шунинг натижасидир. Босқинчи гуруҳлар, аввало, Афғонистон ҳудудидаги лагерларда ва Тожикистоннинг тоғли жойларида бир йил тайёргарлик кўриб, яна ҳаракат бошлади. Яъни, улар ўтган йили эришмаган мақсадларига бу йил эришмоқчи эканига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Террорчи тўдаларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги Сариосиё ва Узун, Қирғизистоннинг Лайлак туманидаги ўтиш қийин бўлган тоғли жойларга бир вақтнинг ўзида бостириб келиши, аввалambор, уларнинг бир марказдан буйруқ олгани, бир марказдан туриб бошқарилаётганини кўрсатиб турибди.

Бизнинг қўлимизда бўлган маълумотларга асосланиб уларнинг марказлари Қобул, Қандаҳор, Тавилдара ва Гарм атрофидаги қишлоқларда жойлашганини исбот қилиб бериш қийин эмас.

Яна бир бор айтаман: бу қуролланган жангари тўдаларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам Ўзбекистон, ҳам Қирғизистон ҳудудига бостириб киргани яхлит стратегиянинг бир қисми, занжирнинг бир ҳалқаси эканини биз яхши тасаввур қилишимиз керак.

Шу ўринда Қирғизистон қуролли кучлари, ботир қирғиз ўғлонларининг халқаро террорчиларга қарши жасорат билан зарба бераётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Тўқнашувларда қирғиз армиясининг аскар ва офицерлари билагида кучи, юрагида ўти борлигини яққол намоён қилмоқда. Ва улар ўз мардлиги, ўз матонати билан ҳурмат қозонмоқда.

Мен мана шу минбардан туриб яна бир бор айтмоқчиман: биз қирғиз халқи, шахсан Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг босқинчиларни йўқ қилиб ташлаш бўйича кўраётган барча чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли депутатлар!

Босқинчи тўдаларнинг тажовузлари ҳақида гапирганда, шунга ҳам эътибор бериш керакки, уларнинг яна бир мақсади — гиёҳванд моддаларни ўтказиш учун йўллар — коридорлар очиш ва бу коридорларни ҳимоялашдан иборат бўлган. Бу ҳам уларнинг биринчи даражали режаларига кирган. Нега деганда, бугунги кунда дунёда етиштирилаётган гиёҳванд моддаларнинг 60-70 фоизи айнан Афғонистонга тўғри келмоқда. Ва шу наркотикларни тарқатиш, харидорларга етказиб бериш ҳисобидан миллион ва миллиард доллар мўмай пул топаётгани бугун халқаро жамоатчиликка яхши маълум.

Яна бир савол туғилади: бу ёвуз тўдалар бизнинг ҳудудимиз ва Қирғизистонга қаердан суқилиб киряпти?

Мен бу тўғрида ҳам икки оғиз айтиб аниқлик киритмоқчиман.

Аввало, бу террорчи тўдаларнинг Афғонистонда, Тожикистоннинг Афғонистон билан чегарадош бўлган Тавилдара ҳудудида жойлашган лагерларда тайёргарлик кўргани мавжуд маълумотлар асосида ўз тасдиғини топмоқда.

Яна шунга аниқлик киритиш керакки, қарама-қарши кучлар ўртасидаги яраш битими асосида охирги пайтларда Имомали Раҳмонов ҳукумати раҳбарлигида Тожикистонда катта натижага эришилаётганини ҳеч ким инкор қилмайди.

Биз Тожикистон ҳукуматининг бугун ўз юрти тинчлигини мустаҳкамлаш, осойишталик ўрнатиш, халқни жипслаштириш, иқтисодиётни тиклаш, одамларга муносиб шароит яратиб бериш борасида қилаётган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимизни, қўлимиздан келган барча ёрдамни беришга тайёр эканимизни кўп марта айтганмиз.

Чунки тинчлик жараёнига бошқа ҳеч қандай муқобил йўл йўқ. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин, минг афсуски, энди-энди тинчлик қарор топиб бораётган бу мамлакатда бундай йўлни номақбул деб биладиган кучлар ҳам борки, улар Тожикистоннинг ўзида ва унинг ён-атрофида жойлашган қўшни давлатларда ҳам топилади. Уларга бундай жараён, тинчлик йўлидан қадам-бақадам олға юриш ёқмаётгани, уларнинг Тожикистонни бу йўлдан қайтаришга уринаётганини бугунги кунда яққол кўриш мумкин.

Тожикистоннинг ҳукумат қўшинлари таркибига қўшилмаган, тоғу тошда изғиб юрган, номигагина ўзини бетараф деб кўрсатаётган бу қуролли гуруҳлар кўп жойларда ҳали-бери ўз мудҳиш ишларини тўхтатгани йўқ, ёвуз ниятларидан воз кечгани йўқ.

Бундай қабиҳ ниятларни амалга оширишда бир вақтлар Ўзбекистондан қочиб, Тожикистон ва Афғонистондан паноҳ топган қўли қонга ботган жиноятчи ва қотиллар тўдалари уларнинг қаторидан алоҳида ўрин олмоқда.

Буларнинг ўрнашиб олган жойлари — Тожикистоннинг Жирғатол, Хоит, Тавилдара, Қоратегин, Тоғли Мастчоҳ ҳудудларидир.

Сариосиё тоғларига суқилиб кирган ва тоғли тепаликларда ўзига база қуриб ўрнашиб олмоқчи бўлган гуруҳ ҳам, яқинда Ленинобод вилоятининг Ашт тумани орқали Тошкент вилоятининг тоғли Бўстонлиқ ҳудудига кириб келган 15 нафарга яқин террорчилар гуруҳи ҳам — буларнинг барчаси аввало мана шу Тавилдара атрофида тайёргарлик кўрган ва шу ердан ёвуз ниятини амалга ошириш учун йўлга чиққан.

Азиз дўстлар!

Бугун қўлимизда ана шу воқеаларни таҳлил этиш ва дастлабки хулосалар чиқариш учун имкон берадиган етарли маълумотлар бор. Уларга таянган ҳолда қуйидагиларни айтиш мумкин:

**БИРИНЧИДАН.** Қуролланган жангари тўдаларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам Ўзбекистонга, ҳам Қирғизистонга суқилиб кириши қандайдир дала командирлари ёки жиноий гуруҳларнинг ўзича қилган хатти-ҳаракати эмас.

Аксинча, бу тажовуз Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудидан ташқарида фаолият кўрсатаётган муайян марказ томонидан пухта ишлаб чиқилиб, мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилаётган ҳаракатдир.

**ИККИНЧИ ХУЛОСА.** Бугун ҳаётнинг ўзи қуролли кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича стратегик аҳамиятга эга қарорларимизнинг тўғри бўлганини, уларнинг ўз вақтида қабул қилинганини кўрсатиб турибди.

Бу соҳадаги ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни — пухта ташкил этилган, тезкор ва ҳаракатчан, яхши таъминланган, замонавий қурол-яроғ ва техника воситаларига эга бўлган, маҳорати баланд, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам мукаммал ҳаракат қила оладиган армияни шакллантиришдан иборат.

Армиямиз ҳозирги энг юксак талабларга жавоб бериши, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни самарали ва ишончли ҳимоя қила олиши зарур. Ҳар қандай босқинчига, у қаерда бўлишидан қатъи назар, қақшатқич зарба беришга қодир бўлиши керак.

Айни вақтда, мен шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз ҳеч қайси мамлакат ҳудудида, жумладан, Афғонистонда ҳам уруш олиб бормоқчи эмасмиз.

Афғонистон билан чегарамизда ҳарбий тўқнашувлар, узоқ давом этадиган низолар, қарама-қаршилик келтириб чиқаришга бўлган ҳар қандай уринишлар — эҳтимол, бу кимларнингдир режаларига кирса-да — бизнинг ташқи сиёсат доктринамиз талабларига мутлақо тўғри келмайди.

Бизнинг қуролли кучларимиз, аввало, ўз Ватани, ўз сарҳадлари, она юртимиз тупроғини ҳимоя қилишга қодир бўлиши даркор.

Бизнинг армиямиз ҳар қандай ўзига хос шароитда, жумладан, чегараларимиз ўтган тоғларнинг юриш жуда қийин бўлган жойларида ҳам ҳаракат қила олиши, ҳудудимизга суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай қуролли босқинчи гуруҳларни қуршаб олиб, уларни йўқ қилишга доимо тайёр ва қодир бўлиши керак. Бунинг учун барча имкониятларимиз ва мавжуд салоҳиятимиз сафарбар этилиши, ишга солиниши лозим.

Азиз ватандошлар!

Яқинда мен мавжуд вазият билан бевосита танишиш учун Сариосиёга борганимда Ватанимизга чексиз муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилаётган, эл-юртининг озодлиги, осойишталиги учун мардона курашаётган аскар ва офицерларимиз билан учрашдим.

Армиямизни янада кучли қилиш, аскарларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий маҳоратини ошириш, уларнинг азиз бошини омон сақлаш, ҳаётини асраш учун бизнинг қилаётган ҳаракатларимиздан жамоатчилигимиз матбуот ва телевидение орқали хабардор, деб ўйлайман.

Биз қуролли кучларимиздан, она юртимиз ҳимояси учун ҳаётини ҳам бахшида қилишга тайёр турган аскарларимиздан ҳеч нарсани аямаслигимиз лозим. Улар қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий-техник воситалар, озиқ-овқат, кийим-кечак масаласида ҳеч қандай камчилик сезмаслиги шарт.

Токи ўз халқини ҳимоя қилиш учун жангга кираётган ҳар бир аскар мамлакати ва халқи унинг учун бор имкониятларини ишга солаётганини ҳис этиб турсин.

Шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, олдимизга қўйган мана шу вазифани тезроқ амалга ошириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши зарур. Бу Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсоннинг бурчига, виждоний ишига, ғурур-ифтихорига айланиши лозим.

**УЧИНЧИДАН.** Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг, аввало, чегара ҳудудларида яшайдиган фуқароларимизнинг ҳушёрлигини ошириш улкан аҳамиятга эга. Бу ишда «Чегара посбонлари» ва «Маҳалла посбонлари» бўлинмалари ғоятда муҳим ўрин тутиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда 7 мингдан ортиқ «Маҳалла посбонлари» тузилмалари ва 150 дан зиёд «Чегара посбонлари» отрядлари фаолият кўрсатмоқда. Мард ва жасур, ўз Ватанига садоқатли ёшлардан таркиб топган бу тузилмалар мамлакат хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўғинга айланиши даркор.

Мудофаа, ҳуқуқ-тартибот, хавфсизлик идоралари, ўз навбатида, бу жамоатчилик тузилмаларини зарур воситалар билан таъминлаш, уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш борасида тегишли чора-тадбирларни кўриши керак.

Маҳалла қўмиталари жамоат тартибини таъминлаш, одамларнинг ҳушёрлиги ва ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга онгли муносабатини ошириш учун ўз ишларини фаоллаштириши даркор.

Уларнинг вазифаси, керак бўлса, бевосита асосий бурчи — маҳалла аҳлининг, бутун жамоатчиликнинг сергаклигини бир эмас, бир неча марта ошириш, «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик» деган даъватни амалий ҳаётга жорий этишдан иборат.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ёш, ғўр, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган, лекин мияси заҳарланаётган ўзининг болаларига гапи, сўзи, таъсири ўтмаётган, бу борада заифлик қилаётган оталарга қаратиб, уларни алоҳида огоҳлантириб айтмоқчиман:

Биз — ўзбек халқи кечиримли халқмиз. Лекин кечиришнинг ҳам, раҳмдилликнинг ҳам чегараси бор. Шуни яхши англаб олинглар — ёвуз, қабиҳ, нопок йўллардан қайтишга ақли етмаётганларга бошқа кечириш, раҳмдиллик бўлмайди.

Ҳар ким ўзининг кирдикорлари учун халқ олдида, эл-юрт олдида, қонун олдида жавоб беради.

Ҳар биримиз лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан халос бўлишимиз, ҳар бир фуқаро мамлакатимизда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор, деб ҳисоблаши айниқса муҳим.

Содда қилиб айтганда, ҳар бир инсон ўз уйи, маҳалласи ва юртининг хавфсизлигини таъминлаш учун аввало унинг ўзи қайғуриши, бу ишни муқаддас фуқаролик бурчи деб билиши зарур.

**ТЎРТИНЧИДАН.** Минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи ташқи ва ички хатарларнинг ёйилишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш учун Марказий Осиё мамлакатларининг саъй-ҳаракатлари, салоҳият ва имкониятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда хавфсизлик масаласи барчамиз учун бирдек бўлинмас тушунча эканини ҳаётнинг ўзи яна бир карра исботламоқда.

Агар бугун бирон-бир қўшни давлат устида хавф-хатар пайдо бўлса, эртага у албатта бизнинг бошимизга, бизнинг уйимизга ҳам келади. Бу хатардан ҳеч ким четда тура олмайди, яшириниб, қочиб қутулолмайди.

Шу маънода, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа қўшни давлатларнинг хавфсизлиги бу — бизнинг, бутун минтақа халқларининг хавфсизлигидир. Буни ҳаммамиз яхши тушуниб олишимиз керак. Бу борада кўп нарса раҳбарларга, энг аввало, давлат раҳбарларига боғлиқ.

Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон давлат бошлиқлари ва Россия Президентининг махсус вакили иштирокида яқинда бўлиб ўтган Бишкек учрашувида ҳам томонларнинг бу масала бўйича фикри муштарак экани яққол намоён бўлди.

Ишончим комилки, фақат ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимизни тезкорлик билан мувофиқлаштирган ҳолда ҳар қандай тажовузларга, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини бузишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши зарба беришимиз мумкин.

**БЕШИНЧИДАН.** Бу борада мен мана шу фурсатдан фойдаланиб, кўпни кўрган, оғир мусибатлар, жабру жафоларни бошидан кечирган биродар тожик халқига мурожаат қилмоқчиман.

Оғир синовлар, қонли фожиалар гирдобидан энди-энди чиқаётган, ўз юртида тинч ва осойишта ҳаёт ўрнатиш учун шунча кўп қурбонлар берган, катта йўқотишга дучор бўлган халқ албатта мени тўғри тушунади, деб ишонаман. Ва менинг бугунги сўзларимни ўзининг ички ишларига аралашиш деб қабул қилмайди, деб ўйлайман.

Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида, тожик халқининг энг оғир кунларида унга елкадош ва ҳамдард бўлиб, баҳолиқудрат ёрдам берган ён қўшниси — ўзбек халқи бўлганини халқларимиз хотирасидан ҳеч ким, ҳеч қачон ўчира олмайди.

Бугун сизу бизнинг душманларимиз Тожикистонда мавжуд бўлган вазиятдан фойдаланиб, ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш йўлида, аввало, икки халқни — ўзбек ва тожик халқини бирбирига қарши қўйишга уринмоқда.

Бугун Тожикистоннинг шарқий ҳудудларидан ўзига паноҳ топган жангари ғаламислар — уларнинг миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар — бизнинг ҳаммамизнинг, ўз юртида осойишталик ва ҳамкорлик ўрнатишга интилаётган барча-барчамизнинг ёвуз душманларимиздир.

Бу малъун кимсаларнинг жирканч ниятлари амалга ошишига, яъни уларнинг Тожикистон ҳудудида туриб, Ўзбекистон ва Қирғизистон минтақасига, бу ерда яшаётган халқларга нисбатан қўпорувчилик қилишига, тажовуз ва босқинчилик ўтказишига, бегуноҳ инсонларнинг, азиз фарзандларимизнинг қони тўкилишига асло йўл қўймаслик керак.

Бундай ўтакетган хунрезлик, муттаҳамликни ўзига касб қилиб олган бизнинг умумий душманларимизга Тожикистоннинг муқаддас заминида асло ўрин бўлмаслиги керак.

Бу газанда жангари тўдаларга Тожикистонда туриб ҳомийлик қилаётган, уларга йўл очиб бериб, керакли манзилга кузатиб қўяётган айрим калтабин мансабдорларнинг ҳам тўғри баҳосини бериб, жиловини тортиб қўйиш вақти келди.

Тожикистон заминига уя қуриб олган ёвуз илонларни, уларнинг қонхўр раҳбарлари, доҳий-раҳнамоларини даф этиш, бутунлай яксон қилиш билангина эл-юрт тинчлигини, халқларимизнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган дўстлиги ва аҳиллигини сақлаб қолиш мумкин.

Мен бу борада икки тилда гаплашадиган, лекин аслида бир халқ бўлган ўзбек ва тожик халқларининг донишмандлиги, ҳушёрлиги ва азми шижоатига ишонаман.

**ОЛТИНЧИДАН.** Биз бугун диний шиорлар билан ниқобланган, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан келаётган катта-катта маблағлар эвазига яшаётган халқаро террорчилик қанчалик хатарли экани ҳақида кўп гапирамиз.

Бу халқаро террорчилар ва қўпорувчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаб турган, махсус тайёргарликдан ўтказаётган ва босқинчиликка йўллаётган халқаро марказлар ҳақида кўп сўз юритамиз. Бу балога қарши қатъият билан курашиш зарурлиги тўғрисида ҳам қайта-қайта гапирамиз.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, азиз дўстлар, биродарлар, бугунги кунда дунёда террорчилик хавфи ва унга қарши ҳамкорликда курашиш лозимлиги ҳақида сўз юритилмайдиган, катта ё кичик бўлсин, бирон-бир мамлакат, бирон-бир халқаро анжуман борми?

Бугунги кунда энг юксак минбарлардан янграётган аксарият нутқ ва маърузалар мана шундай даъват билан бошланиб, мана шундай даъват билан тугайди.

Лекин, афсус ва надоматлар бўлсинки, кўпинча иш умумий баёнотлардан нарига ўтмаяпти.

Айни пайтда халқаро террорчилик ва экстремизм марказлари миллионлаб тинч аҳолига ва бутун-бутун давлатларга улкан талафотлар келтирадиган ёвуз хатти-ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Афғон муаммосини ҳал этишдек долзарб масаланинг на охири кўринади, бу борада на бир умид учқуни кўзга ташланади. Афғонистон бугунги кунда жиноий ҳаракатлар майдонига, халқаро террорчилик ва экстремизм ўчоғига, гиёҳванд моддалар етиштириладиган асосий ўлкага айланиб қолди. Вазият борган сари кескинлашмоқда, ҳарбий ҳаракатларнинг минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиш хавфи тобора кучаймоқда.

Бугунги кунда афғон можаросини фақат маҳаллий ва минтақавий миқёсдаги танглик деб ўйлаган одам мутлақо хато қилади. Бу масала Афғонистондан олисда жойлашган бошқа ҳудудлар ва халқларнинг ҳам тинчлиги, осойишталигига таҳдид соладиган улкан миқёсдаги муаммога айланиб бормоқда.

Бугун ҳаммамизга бир ҳақиқат тобора аён бўлмоқда. Яъни, Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этиб келаётган урушнинг охири кўринмаётганига, жафокаш афғон заминида тинчлик ўрнатилмаётганига бу ерда дунёдаги кучли ва катта имкониятларга эга бўлган давлатларнинг стратегик ва геополитик манфаатлари тўқнашаётгани бунга сабаб экани тобора аниқ бўлмоқда.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам, афғон муаммосини ечиш билан боғлиқ ишлар кўплаб муҳокамалару турли санкциялар эълон қилишдан нарига ўтмаяпти.

Минтақамиздаги бугунги вазият амалда мана шундай бўлиб турибди. Бундай шароитда фақатгина ўзингга, ўз кучингга ишониб яша, деган кўҳна ҳақиқатни қайта-қайта такрорлашга тўғри келади.

**ЕТТИНЧИДАН.** Сизларга яхши маълумки, яқин кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу асрдаги сўнгги сессияси бўлиб ўтади. У «Мингйиллик саммити» деган жарангдор ном билан аталмоқда. Унда инсониятнинг XXI асрга қандай кириб боришини муҳокама этиш кўзда тутилган.

Бу анжуманда халқаро ҳамжамият, биринчи галда, энг қудратли ва буюк давлатлар эътиборини Марказий Осиё тобора халқаро экстремистик ва террорчилик марказларининг ҳамла ва хуружлари остида қолаётганига, Афғонистонда давом этаётган уруш аввало унинг халқини ва бутун минтақамизни қийнаб келаётганига яна бир бор қаратиш учун имконият туғилади, деб ўйлайман.

Шу нарсага алоҳида эътибор қаратиш зарур: токи Афғонистонда тинчлик бўлмас экан, токи у ерда уруш давом этар экан, токи Афғонистон халқаро терроризм ўчоғи ва уни ён-атрофга тарқатувчи макон, гиёҳванд моддалар етиштириш, диний экстремизм ва жаҳолатпарастлик маркази бўлиб қолар экан, Марказий Осиё халқлари ўз хавфсизлиги, тинчлиги ва фаровонлиги учун ҳеч қачон хотиржам бўла олмайди.

Қадрли ватандошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистон қуролли кучлари томонидан мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қирғизистон ва Тожикистоннинг ҳарбий тузилмалари билан яқин ҳамкорликда Сурхондарё, Фарғона ва Ленинобод йўналишларида ва бошқа жойларда чегараларимизни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун шуни қатъий айтиш мумкинки, бизнинг махсус ҳарбий бўлинмаларимиз, чегара посбонлари, Ички ишлар вазирлигининг аскарлари юртимизни ҳимоя қилиш, остонамизга ёвуз кучларни йўлатмаслик, уларга муносиб зарба бериш ва йўқ қилиб ташлаш учун барча тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Бу мақсадда чегара қўшинларининг қўшимча бўлинмалари тузилди, давлат чегараларимизни қўриқлаш тизимини янада мустаҳкамлашга қаратилган инженерлик ишлари бажарилмоқда. Чегара ҳудудларини текшириш ва тозалаш, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан тегишли тадбирлар ўтказилмоқда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Азиз юртдошлар!

Мен бугун яна бир бор бутун халқимизга, шу юртда яшайдиган барча инсонларга қарата айтмоқчиман: мана шундай синов пайтларида ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллатнинг нималарга қодирлиги, қатъият ва иродаси яққол намоён бўлади.

Юрагида ўти бор, ориятли баҳодирларимиз бугун ортимда Ватаним бор, эл-юртим, ота-онам, севимли ёрим бор, деб ёвга мардона зарба беришга тайёр бўлиб тургани барчамизга куч-қувват бағишлаб, руҳимизни кўтармоқда.

Бу юртнинг эгаси бор. Бу юртнинг эгаси — заҳматкаш, олижаноб, кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, иймони бутун халқимиздир. Эгаси бор юрт ҳеч қачон душманга оёқости бўлмайди.

Бугун кўп миллатли халқимиз халқаро террорчиларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларига матбуотда, радио-телевидениеда, турли йиғилишларда ўз муносабатини билдирмоқда.

Менинг номимга келаётган кўплаб хатлар, мурожаатлар ва телеграммаларда ҳам одамларнинг бу разил кимсаларга қаратилган қаҳру ғазаби, нафрати яққол кўриниб турибди.

Айниқса, босқинчиларга қарши жангларда азиз фарзандидан жудо бўлган матонатли бир онахоннинг: «Ўғлимга берган оқ сутимга мингдан-минг розиман. Унинг ёш умри зое кетмади. Ўғлим Ватанини, халқини ҳимоя қилиб жон фидо этди», деган юрак сўзлари менга ниҳоятда чуқур таъсир қилди.

Оғир ва мусибатли дамларда ҳам ўзини йўқотмаган, иродаси букилмаган ана шундай ватандошларимизнинг сабр-бардоши, қатъияти олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бугун барчамиз уларга сабр-бардош тилаб, Худодан юртимизни ўз паноҳида асрашини сўраймиз.

Миллионлаб юртдошларимиз, аввало, ёшларимизнинг бу қонхўр тўдалардан қасос олишга тайёр тургани, халқимизнинг бақувват иродаси, сабр-матонати, иймон-эътиқоди мустаҳкамлигидан далолат беради.

Яна ва яна бир бор айтмоқчиман: бундай халқни ҳеч қандай ёвуз куч енголмайди.

Буни бизнинг ғанимларимиз етти пуштигача яхши англаб, миясига қуйиб олсин.

Сўзимнинг ниҳоясида ҳаммангизни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, ҳар бирингизга бахту саодат тилайман.

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК,




*Биз учун мустақиллик Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.*

**Ислом КАРИМОВ**

*Ижтимоий ҳимоя*

## КЎРИНГ БУГУН ЎЗБЕКИСТОННИ

***Мўътабар кун — Мустақиллик байрамини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида теран ўзгаришлар юз бераётган, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида залворли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда кутиб олаётирмиз. Металлургларимиз ва машинасозларимизнинг аксарияти ҳам белгиланган ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан уддалаб, истиқлол байрамини ёруғ юз билан қаршиламоқдалар.***

Хусусан, ишловчиларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда тармоқ касаба уюшмаси билан «Ўзмашсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» ва бошқа ассоциация ҳамда компаниялар ўртасида 1999-2000 йиллар учун тузилган Битимлар муҳим аҳамият касб этди. Шу ўринда бир-иккита мисол келтирсак. Битимлар шартларининг амалийлигини таъминлашда айниқса, «Ўзавтосаноат» ассоциацияси ажралиб турди. У корхона ва муассасаларни АҚШ, Франция, Италия, Германия, Япония, Польша, Россия, Хитой каби ривожланган мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро конференциялар, кўргазма ҳамда ярмаркаларда иштирокини ташкил этди. Бундай тадбирлар ўзаро тажриба алмашиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда кўзланган самарани бераяпти, албатта.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, битим ва жамоа шартномаларига киритилган меҳнатга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш масаласида ҳам муайян ишлар қилинаяпти. Жорий биринчи ярим йиллик якунлари таҳлили шуни кўрсатдики, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналарида ўртача ойлик маош 10 мингдан 18 минг сўмгача, «Ўзэлтехсаноат» ассоциациясига қарашли корхоналарда эса 8 мингдан 11 минг сўмгача, металлургларда 20 мингдан 28 минг сўмгача бўлаяпти.

Меҳнаткашларни иш ўринлари билан таъминлаш доимий диққат марказимизда. Ушбу муаммони ижобий ҳал қилишда хориж билан қўшма корхоналар ташкил этиш тажрибаси қўл келмоқда. Масалан, сўнгги йилнинг ўзида «Тошкент авиация бирлашмаси» Давлат акционерлик жамияти ташаббуси билан 126 иш ўрнига мўлжалланган «Хобас-ТАПО» қувур ишлаб чиқарадиган қўшма корхона, Самарқандда 500 кишилик «Сам Коч Авто» автобус заводи қўшма корхонаси, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акционерлик жамиятида 360 ўринли махсус кийимлар тикув цехи, тармоғимизнинг Наманган вилоятида жойлашган корхоналарида эса қўшимча 91 ишчи ўринлари ташкил этилди. Булардан ташқари «Ўзавтосаноат»нинг машҳур италян фирмаси «Текинг» билан технологик ускуналар етказиб бериш юзасидан тузган шартномалари шарофати ила қўшимча 1000 ишчи ўрни яратилмоқда. Яқин келгусида Жанубий Корея билан имзоланадиган шерикчилик шартномаси эса 1200 нафар фуқарони иш билан таъминлаш имконини беради.

Тизим корхоналари ишчи-ходимларининг фарзандларини соғломлаштиришда аввалги йилларга нисбатан сезиларли силжишга эришилди. Чунончи, шу йил мавсумда фаолият кўрсатган 22 та соғломлаштириш сиҳатгоҳларида жами 25 мингдан кўпроқ ўғил-қизлар даволаниб, ҳордиқ чиқардилар.

Тармоқ тасарруфидаги аксарият корхоналар жамоа шартномаларида 2 ёшдан 3 ёшгача болалари бўлган аёлларга қўшимча нафақалар, ишловчиларга ҳомиладорликнинг 5-6 - ойидан бошлаб таътил бериш, кўп болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини бир соатга қисқартириш каби енгиллик ва имтиёзлар амалийлиги таъминланмоқда. «Соғлом авлод йили»нинг биринчи ярми давомида 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган 729 нафар аёлга сал кам 4 миллион сўмлик нафақалар корхоналар маблағидан тўланди. Қарийб 1800 нафар кўп болали аёлларга давомийлиги 1 соатга қисқартирилган иш ҳафтасидан фойдаланиш имтиёзлари берилди. Тармоқда ишловчи ногирон болалари бўлган 28 нафар аёлга 287 минг сўмлик ёрдам пули, 472 нафар кўп болалиларга салкам 6 миллион сўмлик нафақа ва моддий кўмак, қарийб 3 мингта кам таъминланган оилаларга эса корхоналар ҳисобидан 19,5 миллион сўм берилди. 1 миллион сўмликдан зиёд ижтимоий суғурта пули ва касаба уюшмалари маблағидан оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилди. Тармоқ корхоналарида ишловчи аёлларнинг иш шароитлари тўғрисидаги масала Марказий қўмита раёсатида кўриб чиқилгани эса уларни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш, меҳнат муҳофазасига оид тадбирларнинг тўлақонли бажарилишини қатъий назорат қилишда омил бўлди.

Ёзги таътил пайтида оромгоҳларга асосан тармоқ меҳнатчиларининг фарзандлари юборилиб, улар йўлланма нархининг 5-10 фоизинигина тўладилар, холос. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларга эса йўлланмалар бепул ажратилди. Масалан, Чирчиқдаги 14-Меҳрибонлик уйига доимий мурувват кўрсатиб келинади. Жорий йилда улардан 24 нафари УзКТЖМга қарашли «Гулзор» оромгоҳида бепул дам олдилар. Тошкент вилояти қўмитаси томонидан Меҳрибонлик уйига мусиқа асбоблари, қимматбаҳо совғалар туҳфа этилди. Тошкентдаги 23-Меҳрибонлик уйининг 230-250 нафар тарбияланувчилари 1993 йилдан бери ҳар йили «Алгоритм» очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли «Элбрус» болалар оромгоҳида бепул дам оладилар. Уларга ушбу корхона томонидан моддий мурувват кўрсатиб келинади.

Биз тармоқ ходимлари бундан кейин ҳам меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш билан бирга, Ватанимиз жанубий сарҳадларига суқилиб кирмоқчи бўлган террорчиларни қатъиян қоралаймиз.

Биз ҳамиша марду майдон аскарларимиз билан биргамиз. Агар ҳар биримиз ўз иш жойимизда, яшаётган маҳалла, қишлоғимизда интизомни кучайтириб, ҳушёрликни оширсак, соғлом муҳитни ярата олсак — босқинчиларга қарши ўз сўзимизни айта олган бўламиз.

**Шавкат ОДИЛОВ,**
**Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси.**



Мингбулоқ туманидаги матлубот улгуржи чакана ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли кичик супермаркет ишга туширилди. Бу туман аҳолисига байрам совғаси бўлди.

***Суратларда: 1.Сотувчи Гулчеҳра Исроилова. 2.Кичик супермаркетнинг умумий кўриниши.***

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**



## ҚИШЛОҚДА САНОАТ КОРХОНАСИ

Мустақиллик боис инсонда яхши яшашга бўлган иштиёқ ортди. Эндиликда замонавий саноатга эга хўжаликлар кўплаб топилади. Ромитон туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги шулардан бири саналади.

Собиқ шўролар даврида фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни билган деҳқон бугун уни қайта ишлаш имкониятига ҳам эга бўлди. Қишлоқларда, аниқроғи, хом ашё етиштирилаётган дала, пайкалларга туташ ерларда янги-янги қайта ишлаш корхоналари қурилмоқда.

Россиялик тадбиркорлар билан биргаликда қисқа фурсатда фойдаланишга топширилган консерва заводи ҳамкорлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Ҳозир заводда иш уч сменада олиб борилаётир. Ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг кети узилмайди. Томорқаларда етиштирилган маҳсулотлар пешма-пеш ташиб келтирилмоқда. Топширилган ҳар бир килограмм помидор учун ўртача ҳисобда 20-25 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

— Ҳозирча туманда яккаю-ягона саналган мазкур қайта ишлаш корхонамизни байрам арафасида ишга туширдик, — дейди хўжалик бош ҳисобчиси Мурод Ғуломов. — Яқин орада корхона ишлаб чиқариш қувватини 1,5-2 ҳиссага оширишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозир 45-50 нафар ёш бу ерда меҳнат қилаётган бўлса, келгусида уларнинг сони 100-120 нафарга етади. Шунингдек, узумни ҳам қайта ишлашни йўлга қўйдик.

Қишлоққа саноатни олиб келиш, ишни оқилона ташкил этиш эвазига мазкур корхонадан йилига 90-100 миллион сўмлик қўшимча даромад олинаяпти.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## МУНОСИБ СОВҒА

***Фарғонада мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон банклар ассоциациясининг Фарғона филиали биноси фойдаланишга топширилди.***

Замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган муҳташам бино, тижорат банкларига бозор иқтисодиёти шароитида вилоят Давлат мулк қўмитаси, товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси, «Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги билан ҳамкорликда хорижий сармояларни жалб этиш, кичик ва ўрта бизнес вакилларига, хусусий тадбиркорларга микрокредитлар, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларига лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникалари етказиб бериш учун хизмат қилади.

## ҲАР ЖАБҲАДА

***Халқимизда тўйга тўёна билан боришдек ажойиб удум бор. Боболардан мерос бу анъанага элим, юртим деб ёниб яшаётган саховатли кишилар содиқ қолиб, уни давом эттирмоқдалар. Қуйида ана шундай инсонлар муруввати ҳақида гап боради.***

- Сариосиё туманидаги Г.Хидиров номли ширкат уюшмаси аъзолари олинган фойдалари ҳисобидан 360 ўринли мактаб биносини қуриб беришди. Юмушлар ҳашар йўли билан амалга оширилди.
- Деновлик фермер Аҳмад Нарзуллаев ҳалол меҳнатидан топган пулини 87-мактабнинг 320 ўринли икки қаватли ўқув биносини барпо этишга сарфлади. Харажати 9,5 миллион сўмни ташкил этган ушбу ўқув маскани байрам арафасида фойдаланишга топширилди.
- Булунғурлик тадбиркор Мамаюсуф Шодмонов шу пайтгача ўз қишлоғида чойхона, дўкон, дорихона ва маърифат маркази биноларини бунёд этган эди. Айни пайтда тез суръатлар билан қад ростлаётган 240 ўринли мактаб биноси янги ўқув йили бошланиши куни ўқувчилар ихтиёрига берилади.
- Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» қишлоқ хўжалик кооператив маъмурияти кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуроллари сотиб олишга 550 минг сўм пул ажратди. Хўжалик раҳбари Муродулла Саидов ушбу савобли иш ташаббускори бўлди.
- Мазкур туманнинг Миришкор қишлоғида 624 ўринли билим маскани қуриб битказилди. Замонавий бино қурилишига «Миришкор» қишлоқ хўжалик кооперативи ҳомийлик қилди.
- Пахтакор туманида яшовчи ёлғиз қариялар учун мўлжалланган «Меҳр-мурувват маркази» фаолият кўрсата бошлади. Туман ташкилотлари ва фермерлари ҳомийлигида қад ростлаган 12 ўринли сиҳатгоҳ қурилишига 11 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди.
- Истиқлол байрами ва янги ўқув йили бошланиши муносабати билан Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги фермерлари ҳудуддаги мактабларга янги парталар, ўқув жиҳозлари, кам таъминланган оилалар фарзандларига эса кийим-бош ҳадя этишди.

## ЧЕҲРАЛАРДАН ЁҒИЛГАН НУР

### Жиззахдаги ногиронларни реабилитация қилиш марказида

**• репортаж •**

Бундан икки йил аввал Жиззах шаҳрида ногиронларни реабилитация қилиш маркази иш бошлаган эди.

Ўтган даврда 960 нафар ногирон реабилитация қилинди. 50 ўринли мазкур марказ учта бўлимдан ташкил топган бўлиб, улар — тиббий ва касбий реабилитация ҳамда ижтимоий-психологик бўлимлардан иборатдир.

Касбий-реабилитация бўлимида 4 нафар киши фаолият кўрсатар экан. Тикиш-бичиш, этикдўзлик, соатсозлик, телерадио-устачилик цехлари ишлаб турибди. Ўтган йили 45 нафар ногирон мазкур бўлимни битириб, уларнинг асосий қисми ишга жойлашибди. Бунда вилоят меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда «Шогирд-уста» дастури қўл келмоқда. Жорий йилда 24 нафар киши мазкур бўлимда таҳсил олаётир.

— Мен, - дейди 20 ёшли II гуруҳ ногирони Жасуржон Юнусов, — устозим Д.Наврўзовдан этикдўзлик касбини ўрганаяпман. Қисқа вақт ичида анча нарсани билиб олдим. Ҳадемай, мустақил равишда иш бошлашга ўтаман. Реабилитация маркази ғамхўрлигидан жуда мамнунман.

Марказнинг асосий юмушлари ҳақида директор вазифасини бажарувчи Ўрол Мустафоев шундай дейди: — вилоятимизда 9600 нафар ногирон бўлиб, тиббий муолажага у ёки бу даражада эҳтиёжманддир. Улар фаоллигини сақлаб қолиш, касбга ўргатиш, касалликни даволаб, асл ҳолига қайтариш, меҳнатга йўллаш асосий вазифамиздир. Ана шу мақсадда жамоада 6 врач, 12 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилишади. Физиотерапия, рентген функционал диагностика, массаж, парафин қўйиш, биохимия, клиник лаборатория, даволаш машқлари, кутубхона, 50 ўринли ошхона фаолиятидан кўпчилик мамнун.

Даволанувчилар билан суҳбатлашганимизда шифокорларнинг муолажалари, ҳамшираларнинг илиқ муомаласи-ю, хизматларидан миннатдор эканликларини яшира олишмади.

— Рус тили ўқитувчисиман, - дейди Марям Исмоилова, — гипертония касаллиги билан келган эдим. 15 кунда ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетдим. Шифокорларга раҳмат. Яна ўқувчиларим олдига қайтадиган бўлдим.

Жиззахлик II гуруҳ ногирони Маҳбуба ая Комилова билан суҳбатлашиб турганимизда, хонага Ойтўра Равшанова билан Хосият Раймовалар кириб келишди.

— Аввало ушбу марказ шаҳарнинг энг сўлим ва баҳаво жойида қурилганига ҳавасим келди, - дейди 6 нафар фарзанднинг онаси О.Равшанова, - ҳар куни муолажадан сўнг тоза ҳаводан ҳузурланаман. 2-гуруҳ ногирониман. Буйрагим хуружидан бу ерга келдим. Худога шукурки, ҳозир ўзимни қушдек енгил ҳис қиляпман.

Биз пахтакорлик Хусан Турдиқулов, Дўстликдан Ғуломжон Темировлар билан ҳам суҳбат қилар эканмиз, улар ногирон эканликларини бу ерда эсдан чиқариб қўйганликларини билдиришди.

Марказда ҳозирги пайтда 47 нафар киши саломатликларини тиклашаяпти. Улар учун барча шароит муҳайё. Беморлар чеҳрасидан ёғилиб турган нур бу ердаги ҳақиқий аҳволдан дарак бериб турарди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ҚЎШ ТАНТАНА

***«Шимбой-агросаноатматлубот» ишлаб чиқариш корхонаси дастлабки маҳсулотларини ўтган йили 30 август куни тайёрлашни бошлаб, аҳоли байрам дастурхонига тортиқ қилган эди.***

— Ўтган қисқа вақт жамоамиз аъзолари учун ҳам ташкилий ишларни амалга ошириш, ҳам истеъмолчилар эътиборини қозониш даври бўлди, - дейди корхона раҳбари Саловат Усмонов. — Биринчидан аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотлари, жумладан, ҳар хил макаронларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, қандолат ва алкологолсиз салқин ичимликлар тайёрлаш ҳам ўзлаштириб олинди.

Ҳақ гап. Ҳозир Қорақалпоғистоннинг қадимий, шу билан бирга навқирон шаҳарларидан бири Чимбой аҳолисини тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда мазкур корхонанинг ўрни бўлакчадир. Бу ерда амалдаги йилнинг ўтган даврида ярим миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истиқлол байрамига муносиб тўёна ҳозирлангани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Ўтган бир йил ичида корхонада сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Бу ерга Финляндияда ишлаб чиқарилган қудратли музлатгич келтирилиб, ўрнатилди.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Қадрият*

## МЕҲР — ЭЗГУЛИК

***Меҳр-саховат, муҳтожга мурувват, хайр-эҳсон, йиқилганни суямоқ ўзбекнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Мустақиллик туфайли бобомерос анъаналар қонунларимизга кўчди, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, инсонпарварлик йўли ўз фуқароларини ижтимоий ҳимоялашдаги аниқ тадбирлар билан ўлчанади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилнинг бири бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг кенг қатламларига ғамхўрлик қилиш, кучли ижтимоий ҳимояни йўлга қўйишда акс этади.***

Давлатимиз одил, халқпарвар, саховатпеша. 1992 йилдан бошлаб Президентимиз томонидан пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида 30 дан ортиқ Фармон қабул қилинди. Бу эса ҳақиқат ва адолат тантанасидир.

Эл дардини ўз қисмати, тақдири деб билган Йўлбошчимизнинг бир сўзлари ҳеч эсимдан чиқмайди: «Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг ҳурматига муяссар бўлганимдан таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраётганимдан ўзимни бахтли ҳисоблайман. Бу ҳаётда бева-бечораларга ёрдам берган, одамлар оғирини енгил қилган инсон ўзини бахтиёр санашга албатта, ҳақлидир». Бу сўзлар давлатимиз раҳбарининг буюк инсоний саҳовати, эл-юртга оталарча ғамхўрлигидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги беш йилга мўлжалланган дастурий қарорида аҳолининг кам таъминланган, бировлар кўмаги ва ҳимоясига муҳтож табақаларига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилашга йўналтирилган эзгу мақсад ва истиқболли режалар илгари сурилган.

Айни пайтда туманимизда 14500 нафардан ортиқ пенсионер, 3500 нафар ногиронлар бўлиб, уларга ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам уюштирилмоқда, соғлиқлари, уй-жой шароитларини яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланишмоқда.

Шунингдек, 91 нафар ёлғиз қариялар рўйхатга олиниб, уларга манзилли ёрдам ташкил этилган. Қаровчисиз қолган бу кексалар ўзларини ёлғиз, кимсасиз ҳис қилмасликлари учун ижтимоий таъминот бўлимимиз томонидан 14 нафар ширинсўз, чаққон, меҳр-оқибатли ходимлар жалб этилган. Улар ҳар куни нуронийлар ҳузурига бориб, уй ишларига кўмаклашадилар, керак бўлса фарзандларидек меҳр-саховат кўрсатадилар.

Мухлиса Ширинова деган

# Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси

## Соҳа кишиларини Мустақиллик байрами билан чин қалбдан табриклайди!

## Файзли хонадонингиздан қут-барака аримасин! Жондан азиз Ватанимиз – ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!





